

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

| | |
|--|----|
| А.Ўринов, Ш.Хайдарова Олтинчи тартибли гиперболик типдаги дифференциал тенглама учун бошланғич масала | 6 |
| А.Ахлимирзаев, М.Ибрагимов, И.Ақромова Хосмас интеграллар ва уларни ўрганиш бўйича баъзи бир мулоҳазалар | 14 |
| Б.Кадиркулов, М.Жалилов Капутооператори қатнашган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала ҳақида | 19 |

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

| | |
|---|----|
| У.Тойиров, Д.Рохмонов, Р.Мурадов Хомашё валигининг жин машинаси самарадорлигига таъсирини ўрганиш | 25 |
| М.Собиров, Х.Сатторова, Р.Тошқўзиев Қутбланган ёруғликни стока параметрлари орқали тасвирлаш | 31 |

КИМЁ

| | |
|---|----|
| И.Асқаров, М.Ақбарова Айрим синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва уларни синфлаш | 36 |
| Ш.Абдуллоев Темир (III) асосидаги гетеробиметаллик оксо-карбоксилатларнинг электрон парамагнитик резонанс спектрлари | 40 |
| И.Асқаров, Ш.Қирғизов, Ю.Бадалова Шоколаднинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича таҳлили | 46 |
| Р.Исматова, М.Амонова, М.Амонов Пахта толаси асосидаги калава ипларни янги таркиб билан оҳорлашни физик-кимёвий асослаш | 51 |
| Д.Каримова, В.Хужаев, Г.Рахматуллаева Косметик кремлар сифатини органолептик ва физик-кимёвий услублар ёрдамида аниқлаш | 57 |
| Ў.Ҳолмирзаев 9-синф ўқувчиларининг кимё фанидан экспериментал кўникмаларини шакллантиришни такомиллаштириш | 62 |

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

| | |
|---|----|
| Т.Эгамбердиева, Н.Самедова Ўзбек ва турк халқларининг миллий урф-одат ва анаъаналаридаги уйғунликлар таҳлили.... | 67 |
| Р.Арслонзода, Д.Муйдинов Ўзбекистон Республикасининг архив иши соҳасидаги халқаро алоқалари | 71 |
| А.Ерметов Ўзбекистон ички ишлар органлари ходимларининг миллий таркиби хусусида (1925-1985 йиллар) | 78 |
| И.Ғуломов Туркистон ўлкасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига оид айрим мулоҳазалар (1897-1920 йиллар мисолида) | 85 |
| Р.Расулова Ўзбек ва татар маърифатпарварларининг ҳамкорлик муносабатлари | 90 |
| Ш.Саидахматов Урбанизация ижтимоий жараён сифатида: тарихшунослик таҳлили | 95 |

УРБАНИЗАЦИЯ ИЖТИМОЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА: ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

УРБАНИЗАЦИЯ КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС: АНАЛИЗ ИСТОРИОГРАФИИ

URBANIZATION AS A SOCIAL PROCESS: AN ANALYSIS OF HISTORIOGRAPHY

Саидахматов Шарифбек Тошпўлатович¹¹Саидахматов Шарифбек Тошпўлатович – Термиз давлат университети тадқиқотчиси.**Аннотация**

Мақолада урбанизация жараёнининг кенгайиши ва чуқурлашиши натижасида яратилган "шаҳарлашган жамият"нинг шаклланиши кўриб чиқилади. Тарихий, замонавий, хорижий, маҳаллий кўп тармоқли ёндашув асосида тадқиқотлар асосий ўналишлар ва истиқболлар нуқтаи назаридан ўтказилди.

Аннотация

В статье рассматриваются формирования "урбанистического общества", созданного в результате расширения и углубления процесса урбанизации. На основе исторического, современного, зарубежного, местного многоотраслевого подхода проведены исследования с точки зрения основных направлений и перспектив.

Annotation

This article analyses the historical and modern, foreign and local research based on a multi-dimensional approach from the point of view of the forms-schemes, main directions and strategies of the "urban society", formed as a result of the expansion and deepening of urbanization processes.

Таянч сўз ва иборалар: урбанизация, "шаҳар жамияти", кўп ўлчовли ёндашув, "ақлли шаҳар", можаролар, қарши-урбанизм, Ўзбекистон.

Ключевые слова и выражения: урбанизация, "урбанистическое общество", многоотраслевой подход, "умный город", конфликты, антиурбанизм, Узбекистан.

Keywords and expressions: urbanization, "urban society", multi-dimensional approach, "Smart City", conflicts, anti-urbanism, Uzbekistan.

1. Долзарблиги: Жамият тараққиётида шаҳарлар аҳамиятининг ошиш жараёни – урбанизация XX асрда жадаллашиб, унинг муаммолари бутун дунё тадқиқотчиларининг эътиборини тортиб келмоқда. XXI аср бошларига келиб урбанизация жараёни қарама-қаршиликларни, манфаатлар тўқнашувини, илгари кун тартибида бўлмаган муаммоларни келтириб чиқардики, уларни ҳар томонлама таҳлил этиш талаб этилади. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар урбанизация жараёнининг кенгайишига ва чуқурлашувига олиб келиб. унга фанлараро–тарихий, географик, иқтисодий ва бошқа фанлар мажмуаси сифатида, демогеографик ва социологик кўпқирралик ёндашувни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назарда "урбанистик жамият" нинг ўрганилиши долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар: Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда урбанизация жараёнларининг ҳозирги босқичи "урбанистик жамият" кўпқирралик ёндашув асосида таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари: Урбанизацияни фанлараро нуқтаи назардан таҳлил қилишнинг долзарблиги амалий материалнинг кўплиги ва "урбанистик жамият" содир бўлган эмас, балки янги сифатга ўтадиган ҳодиса деб қарайдиган илмий ишларнинг нисбатан озлигидан келиб чиқади. Шундай қилиб, урбанизация феноминига бағишланган тадқиқот, бир томондан, ушбу тушунча фан ва амалиёт учун кераклиги билан, иккинчи томондан, замонавий билишнинг янги ҳар томонлама, фанлараро ёндашуви нуқтаи назаридан қараб чиқиш зарурати билан боғлиқ илмий муаммони ечилишини кўзда тутди.

Жамият тараққиётида шаҳарлар аҳамиятининг ошиш жараёни– урбанизация XX асрда жадаллашиб, унинг муаммолари бутун дунё тадқиқотчиларининг эътиборини тортиб келмоқда. XXI аср бошларига келиб урбанизация жараёни қарама-қаршиликларни, манфаатлар тўқнашувини, илгари кун тартибида бўлмаган муаммоларни келтириб чиқардики, уларни ҳар томонлама таҳлил этиш талаб этилади. Шаҳар аҳолисининг жадаллик билан ўсиши нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларнинг ҳам турмуш тарзини тубдан

ўзгартириб юбориши мумкин. Урбанизация аста секин шундай янги глобал муаммога айланмоқдаки, ўзининг яширин таҳдидлари билан ҳатто экологик муаммолардан ҳам ўтиб туриши мумкин. Айниқса, урбанизация XX аср охиридан Марказий Осиё давлатларида жамиятда юзага келган қарама-қаршилиқлар, аҳолининг кучли мулкрий табақаланиши, демографик инқироз, мафкуравий бўшлиқ шароитида зиддиятли кечмоқда [1]. Шунинг учун ҳам урбанизация муаммолари Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланмоқда [2].

Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар “урбанизация” атамасининг кенгайишига ва чуқурлашувига олиб келди. Натижада атаманинг тавсифи мезонлари қўлланиш доираси кенгайиши оқибатида кўпқирралик ёндашувни талаб этмоқда. Масалан, “урбанизация” атамасига этимологик-ҳодиса моҳиятини сўз маъносидан келтириб чиқариш, фанлараро-географик, иқтисодий ва бошқа фанлар мажмуаси сифатида, демогеографик-маконда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги шаклини юзага келиши, социологик-ижтимоий ташкилотнинг алоҳида турини шаклланиш жараёни сифатида ёндашиш мумкин [3,55-56]. Шу каби ёндашувлар асосида урбанизацияга кўптармоқли ёндашувнинг моҳиятини ифодалаш мумкин. Бу шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини таъминловчи иқтисодий, сиёсий, демографик, маданий ва ҳоказо жараёнлар мажмуидир [4].

XX асрда шаҳарларнинг тез ўсиши, инсоният ҳаётида уларнинг аҳамиятининг ортиши, мегаполислар, агломерациялар пайдо бўлиши туфайли ҳозирги даврда нафақат алоҳида шаҳарларни, ёки уларнинг сонининг ўсиш жараёнини ўрганиш билан чеклани бўлмайди. Урбанизация сифат даражада янги мақомга ўтмоқда. Янги “урбанистик цивилизация” шаклланиб, унда ҳар бир шаҳар локал даражада, яъни, вилоят ёки мамлакат миқёсида, ҳамда халқаро даражада алоҳида ўз ўрнини эгаллайди. Шундан шаҳарларнинг нуфузи, дунёдаги аҳамияти келиб чиқади.

Дунёда шаҳар аҳолисининг кескин ўсиши, уни назорат қилиш тизими шаклланимаганлиги, собиқ СССР ҳудудида урбанизация жараёнларининг турли кўринишдаги оқибатлари мазкур муаммо ўрганилишининг долзарблигини турли йўналишлар бўйича белгилайди. Ҳозирги даврда нафақат алоҳида шаҳарларни ёки уларнинг сонининг ўсиш жараёнини ўрганиш,

балки тарихнинг олдинги босқичларида бўлмаган, аҳоли манзилгоҳларини ўзига хос бир яхлит объектга бирлаштирадиган сифат жиҳатдан янги тизим пайдо бўлди, ушбу ҳодисани қайд этиш, унинг оқибатларини аниқлаш зарурати шаклланди. Урбанизация жараёни юзага келтираётган муаммоларни тадқиқ этишда кўптармоқли ёндашув талаб этилади. Чунки ҳеч бир фан алоҳида олганда ўз доирасида ушбу жараённи қамраб ололмайди. Шу сабабли урбанизацияни аниқлаш учун унинг ҳозирги босқичида ҳар томонлама ёндашувни талаб этади. Урбанизация жараёнининг дунёда “глобализация” деб аталадиган универсал, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳудуднинг шаклланишига таъсирини очиб бериш керак. Бу жараёнда пайдо бўладиган тамойиллар, муаммоларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланган мамлакатларда шаклланаётган постиндустриал жамиятнинг урбанизацияга таъсири омилларини белгилаш, ижтимоий ривожланишнинг аграр ва индустриал босқичида бўлган жамиятларнинг шаҳарларига постиндустриализм таъсирининг мойилликларини ва уларнинг қарши таъсирини қайд этиш, ушбу ҳодиса юзага келтирадиган локал “маданиятлар тўқнашувини” ўрганиш талаб этилади [5,448].

Ҳозирги дунёда шаҳарлар ўсиши жараёнининг миқёсини, сабабини, динамикасини, оқибатларини аниқлаш учун, Ғарб маданиятига тегишли шаҳарлар ривожланишининг натижаларини, муаммоларини ва истиқболларини аниқлаш, собиқ СССР ҳудудида шаҳарлар тизимининг шаклланиш босқичларини аниқлаш асосида ҳар бир маконга хос бўлган ютуқлар, муаммолар ва истиқболларни кўрсатиб бериш лозим.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб ер юзи аҳолисининг 70 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Аҳоли зич яшай бошлайди, кўчаларда юриш мураккаблашади, ресурслардан самарали фойдаланишнинг имконлари чекланиб боради. Ҳар йили бир миллион киши қишлоқлардан кўчиб кетмоқда. Шундай экан, албатта, катта шаҳарларда катта муаммолар ҳам бўлиши табиий. Уларнинг умумий тамойилларни, илмий ва бадиий адабиётларни ўрганиш асосида юксак даражадаги “келажак шаҳари” моҳиятини намойиш этадиган илмий таҳлилнинг кераклиги аён бўлиб қолди.

ТАРИХ

Мазкур қайдлардан келиб чиқиб “урбанистик жамият” тушунчасини қуйдагича таърифлаш мумкин: Бу–универсал ҳарактерга эга, бутун дунёни қамраб олган, алоҳида иқтисодий босқичга, бошқарув тизимига, ҳаёт тарзига, маданиятига ва бошқаларга эга бўлган аҳоли манзилгоҳларининг, қишлоқ манзилгоҳларидан фарқли равишда, ўзига хос тури сифатида шаҳарларни бирлаштирадиган ўзгача ғоявий дунёқарашга ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий ташкилотнинг реал мавжуд бўлган тизимидир. “Урбанистик жамият” шаклланаётганлиги нуқтаи назаридан ҳозирги дунёда урбанизация ривожланиш жараёнини қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Урбанизацияни фанлараро нуқтаи назардан таҳлил қилишнинг долзарблиги амалий материалнинг кўплиги ва ушбу жараёни содир бўлган эмас, балки янги сифатга ўтадиган ҳодиса деб қарайдиган илмий ишларнинг нисбатан озлигидан келиб чиқади. Шундай қилиб, урбанизация феноменига бағишланган тадқиқот, бир томондан, ушбу тушунча фан ва амалиёт учун кераклиги билан, иккинчи томондан, замонавий билишнинг янги ҳар томонлама, фанлараро ёндашуви нуқтаи назаридан қараб чиқиш зарурати билан боғлиқ илмий муаммони ечилишини кўзда тутди.

“Урбанизация” тушунчаси ХХ асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлади. Уни фанга Л.Вирт (1897 – 1952) киритади ва мазмунига тартиб беради, Р.Парк (1864 – 1944), Э. Берджесс (1886 – 1966) ушбу феноменни англашнинг алоҳида йўналишини яратишади. Бироқ урбанизация қадимдан ўрганилган. Шу сабабли уни англашнинг тарихий босқичларини ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки босқичда илм-фаннинг қадимги давр намоёндалари, ўрта асрлар, маърифат даври мутафаккирларининг ишлари пайдо бўлган, уларда шаҳарларга ижтимоий воқеълик сифатида қаралган, шу нуқтаи назардан муҳим хулосалар қилинган.

Жамият ривожланишида шаҳарларнинг катта аҳамияти ҳақида “Давлат” диалогда Платон (милоддан аввалги 429 – 347) тўхталиб ўтади[6]. Ташқи дунёдан ҳимояланган, ўзини-ўзи таъминлаш қобилияти эга, тарҳи тўғри режалаштирилган, уйлари бир ҳил шаҳар Платон орзуси эди. Унинг шогирди Аристотель (милоддан аввалги 384 – 322) эса инсонни “полисдаги хайвон”, яъни шаҳар – давлатда яшайдиган, “ўхшаши йўқ бирликни” ташкил этган одамлар деб таърифлаган[7]. Рим мутафаккирлари империянинг пойтахти номини катта ҳарфлар билан ёзишади, уни

пайдо бўлишини нафақат одамлар, балки худолар иродаси деб ҳисоблашади, шаҳарликларни қишлоқ аҳолисига қарши қўйишади.

Шарқда алломалар шаҳарларни тавсифлашда уларнинг тарихига, табиатига, ҳўжалигига алоҳида эътибор беришган. Ислом дунёсида шаҳарга антрополгик нуқтаи назарда ёндашган илк аллома Муҳаммад Ҳаким Термизийдир. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан Ҳаким Термизий (тахм. 205–320/820–932) Қуръон ва ҳадисга асосланган инсоний шаҳар таълимотини яратади. Унинг марказий нуқтаси шаҳарнинг етакчиси, нафси устидан ғолиб бўлган валийдир[8].

Ундан фарқли равишда Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Узлуғ Фаробий(260–339/874–950) ижтимоий шаҳар таълимотида бахтли–саъодатли жамиятни тасвирлайди. Аристотель анъасига бориб тақаладиган Форобий таълимотида фозил шаҳар, унинг аҳолиси, хусусиятлари ҳақидаги қарашлар исломий нуқтаи назардан шарҳлайди ва ривожлантиради [9].

Ибн Халдун номи билан машҳур Абдурахмон Абу Зайд ибн Муҳаммад (732–808/1332–1406) шаҳарларни тавсифлаш билан бирга уларнинг жойлашуви, стратегик аҳамияти ҳақида тўхталади. Мусулмонлар тўрт халифа, умавийлар ва аббосийлар даврида Арабистондан ташқарида икки юздан ортиқ шаҳар қурганлар. Муаллиф бу шаҳарларнинг тавсифидан ташқари, уларга фойда келтириши мумкин бўлган жиҳатларга эътибор қилиб, шу билан бирга зарар ва хавф эҳтимолини ҳам баён қилади [10].

XVI – XVII асрлар мутафаккир утопистлари Томас Мор (тахминан 1478 – 1535), Томаззо Компанелла (1568–1639), Фрэнсис Бекконлар (1561–1626) ижтимоий баркамол жамиятни ташқи таъсирдан муҳофиза қилинган шаҳар кўринишида тасаввур қилишган [11].

Жамият ривожланишида шаҳарлар ролини жиддий, илмийликка яқин англаш маърифат даврнинг француз файласуфлари Франсуа Вольтер (1694 –1778), Дени Дидро (1713–1784), немис мумтоз фалсафасининг вакиллари Иоганн Гердер (1744–1803), Иммануэл Кант (1724 – 1804), Георг Гегель (1770 – 1831) асарларида ўз аксини топади. Жан Жак Руссо (1712–1778) шаҳарларни танқидий таҳлил қилади. Бироқ ушбу алломалар кўпинча шаҳар генезисини идеалистик нуқтаи назардан қараб чиқадилар, уларда нафақат моддий сабабларни, балки

худолар иродасининг намоён бўлишини кўришган.

Карл Маркс (1818 — 1883), Фридрих Энгельс (1820 — 1895) ва уларнинг издошлари тизимли таълимот яратилмаган бўлсаларда, улар ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формациянинг шароитларида шаҳарлар ўрнига батафсил тадқиқ қилганлар. Марксизм классиклари таъкидлашадикки, айнан Ғарбий Европа шаҳарларида капиталистик формациянинг асосий синфлари буржуазия ва пролетариат ўртасида қарама-қаршилик жаҳон инқилоби ғалабаси билан тугаши лозим эди. Умуман Маркс ва Энгельс, урбанизация жараёнида иқтисодий омилларнинг аҳамиятини ҳаддан ташқари ошириб юборишган [12].

Марксизмнинг ленинча таъсири остида СССРда урбанизацияни ўрганишда Э. Демиденко, М. Межевич, Б. Хорев, каби олимларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин [13]. Жамоавий монографияларда урбанизациянинг ўтмиши, ҳозирги ва келажакда англанади, урбанизацияга демографик жараёнларнинг, аҳолини жойлаштиришнинг таъсири ўрганилди [14]. Бундай асарларнинг ютуғи – ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ягона методологияни, объективистик ёндашувни қўлланишидир. Уларнинг камчилиги расмий мафкурага кўр-кўрона эргашиш, “капиталистик” ва “социалистик” шаҳарларнинг тубдан фарқланишини исбот қилиш, совет шаҳарларининг ўзига хос камчиликлари ҳақида гапирмаслик, келажакда намунали “коммунистик” шаҳарларни, уларнинг ижтимоий-иқтисодий асоси бўлмаса ҳам, ҳақиқатга айлантиришга уриниш билан ажралиб туради [15]. Шу билан бирга, урбанистик жамиятнинг совет вариантнинг камчиликлари: шаҳарларда турар-жойларнинг кескин етишмаслиги, уларни олишда қийинчиликлар; қишлоқлардан аҳолининг миграцияси, кичикроқ шаҳарларда ҳордиқ чиқариш соҳасининг ривожланмаганлиги ва шу кабилар кўрсатилган.

Учинчи гуруҳга XIX аср охири - XX аср бошларидаги ғарб олимларининг асарлари киради, уларда илмий муомилага “урбанизация” тушунчасини киритишнинг назарий-методологик асослари шаклланади, ушбу тушунчани қўлланилиши амалга оширилади.

Ғарб ижтимоий-фалсафий анъанасида урбанизацияни ўрганиш борасида Макс Вебернинг (1864 — 1920) шаҳар таълимоти етакчи ўринни эгаллайди [16]. У “идеал тип”

тушунчаси асосида ўтмишдаги ва замонасидаги шаҳарларнинг турли турларини, жумладан, исломий шаҳарларни, антропологик таҳлил асосида ўрганади [17,5-19]. Олим шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий-сиёсий нуқтаи назардан шаҳар-истеъмолчи ва шаҳар-ишлаб чиқарувчи сифатида фарқлашни таклиф этади. Шаҳарларнинг ижтимоий структурасидан унда истиқомат қилаётган гуруҳларнинг зиддиятларини кўрсатади. Вебер қарашларнинг камчилиги фақат “идеал типлар” методига эътиборини жамлашидир, у турли даврларда урбанизация ривожланишининг ўзига хос мураккаб хусусиятларини назардан қочиради [18].

Урбанизацияни ўрганишда Л.Мамфорд (1895 — 1990) катта ҳисса қўшган [19]. У замонавий шаҳарларда аҳолининг ўта зичлигини; уйлар ҳам ўта зич қурилганлигини, уларнинг қатъий стандартлашганлигини ва бошқа муаммоларни таъкидлаб ўтади. Бироқ Мамфорд юзага келган муаммоларни қайд этиб, ҳар доим ҳам уларнинг ечимини таклиф этмайди.

XX асрнинг 70-80 - йилларда Ғарбда нашр этилган бир қатор тўпламларда урбанизациянинг шаклланиш босқичлари, ривожланиш хусусиятлари, истиқболлари янги, кўптармоқли талқинда ёритилади [20].

Тадқиқотларга асосланиб Ғарб урбанистик маданиятининг қуйидаги истиқболлари ижобий ҳолда шаҳарларни деиндустриализациялаш яъни саноат корхоналаридан озод қилиш орқали уларни офис ёки яшил зоналарга айлантириш; шаҳарларда яшаётган аҳоли турмуш тарзи ва ҳаёт даражасини яхшилаш билан белгиланади. Шу билан бирга шаҳарларни аҳоли, транспорт, чиқиндилар билан ҳаддан зиёд юклаш; “монофункционал” шаҳарларнинг ёйилиши; демографик муаммолар; тобора ўсиб бораётган миграцион оқимлар; шаҳарликларда агрессивлик ва бегоналашув каби иллатларнинг кучайиши каби салбий ҳолатлар кузатилади.

Тўртинчи гуруҳга собиқ совет давридан кейинги мутахассисларнинг тадқиқотлари киради, уларда ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида урбанизациянинг алоҳида кўринишлари қараб чиқилади. Ўзбекистонда бу масалада А.С. Солиев [21] ва Озод Ота-Мирзаевнинг тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим [22]. И.В.Бестужев-Лада энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан фойдаланувчи “экологик тоза” шаҳарларни

ТАРИХ

яратиш ғоясини илгари суради, бундай манзилгоҳларни куруқликдан денгизларга, океанларга кўчишини таклиф қилади. Афсуски, ҳозирги пайтда бундай лойиҳаларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш қимматга тушади [23]. С.А.Власов замонавий шаҳарнинг табиатдан устун, алоҳида ижтимоий характерини таъкидлайди. Шаҳар ва қишлоқ конвергенциясини, юқори технологик ишлаб чиқаришни, ўқув-илмий марказларни, ривожланган қишлоқ хўжалигини бирлаштирадиган янги типдаги аҳоли пунктларини яратиш ғоясини илгари суради [24].

Замонавий илмий ишларда урбанизациянинг аксиологик ва эстетик жиҳатларига катта эътибор берилмоқда. Урбанизацияни ўрганиш тарих, фалсафа, социология, политология, география мутахассисликлар бўйича диссертация ишлари доирасида ҳам олиб борилмоқда [25].

Тадқиқотчиларнинг бешинчи гуруҳи шаҳарларнинг мавжуд тизимидаги камчиликларини тузатишга, уни амалда сифат жиҳатидан янги тузилмалар билан алмаштиришга интилоқдалар. Ҳозирги шаҳарлар оптимал ривожланмаётганлигини англаб, 70-йиллардан бошлаб Фарбда олимлар томонидан фанлараро даражада “ақлли шаҳар” лойиҳаси ишлаб чиқилмоқдаки, у ҳозирги урбанизациянинг баъзи бир шакллари тўғирлашга қаратилган. Бундай шаҳарлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланиб, янги “Smart City”лар пайдо бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда Тошкент вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланган Нурафшонни ҳам мамлакатимиздаги биринчи ақлли шаҳарга айлантириш режалаштириляпти. Бундай ёндашувнинг салбий томони шундан иборатки, бу ерда олдиндан мавжуд шаҳар манзилгоҳларнинг тақдири ноаниқ бўлиб қолмоқда. Замонавий “ноақлли” шаҳарлар келажаги очиклигича қолмоқда.

Олтинчи гуруҳга антиурбанистик қарашларни ривожлантираётган жамоат арбоблари, ҳаракатлар тааллуқлидир. Шаҳар турмуш тарзининг жиддий танқиди XIX асрдаёқ бўлган эди, ўша пайтда капиталистик жамиятда илк бор шаҳарларнинг камчиликлари яққол билиниб қолди. Ҳозирда Жанубий Америка, Жанубий-Шарқий Осиёнинг қатор мамлакатларида, радикал антиглобалистик доираларда шаҳарлардан одамлар яшайдиган жой сифатида воз кечиш, уларни этика, экология жиҳатлардан “тоза” қишлоқ аҳоли пунктларига жойлаштириш ғояси

кучайиб бормоқда. Бундай тажриба баъзи ижтимоий ҳаракатлар томонидан амалга оширилган. Масалан, 1975-1978 йилларда Кампучияда “Қизил кхмерлар” ҳаракати томонидан шаҳар маданияти буржуа элементи деб эълон қилиниб, йўқ қилинди. Шаҳар аҳолиси депортация қилинди, қириб ташланди, қишлоқларга кўчирилди [26]. Шу сабабли “антиурбанизм”ни - урбанизацияни айрим камчиликларини ҳаққоний танқид қилувчи мафқурани потенциал амалиёт сифатида тадқиқ қилишига арзийди. Бироқ шуни тушуниш керакки, шаҳарларни куч билан “йўқ қилишга” бўлган ҳар қандай ҳаракат одамларга ҳеч қандай яхшилик келтирмайди, аксинча, жуда ёмон ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари ҳозирда кенг урф бўлаётган шаҳарларнинг турли рейтингларини кўрсатиш мумкин. Илмий ёндашув билан уларни шаҳарларни баҳолаш мезонининг ажратилиши, масалан, шаҳарга келган чет эл сайёҳларнинг сони ва бу ерда сарфланган пул миқлори, умумий натижани белгилаш учун уларни синтез қилишга уриниш яқинлаштиради. Натижада рейтинг аниқ шаҳарнинг шаҳарлар тизимидаги жорий аҳволи ҳақида маълум кўрсаткич бўйича “бир лаҳзали” парчани беради. Унинг урбанизацияни таҳлил қилишига ёндашув сифатидаги камчилиги - ўта прогматизм, субъективизм. Бундан рейтинг олимлар томонидан танқидий қабул қилиниши лозим.

Урбанизацион ривожланишни тарихий нуқтаи назардан қадимги Шарқ; антик; ўрта аср; замонавий; XXI аср шаҳарлари босқичларида ўрганиш мумкин. Бугун Ўзбекистонда шаҳарларимизнинг истиқболини белгилашда илмий-ижтимоий тафаккурнинг аҳамиятини тушуниб етиш учун урбанистик маданиятнинг шаклланиши тарихи ва ўзига хослигини ўрганиш муҳимдир.

Урбанистик цивилизациянинг функциялари инсонга ва жамиятга таъсир кўрсатади, шунинг учун уларни антропологик ва социологик гуруҳларга бўлиниши мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида асосий функцияни ҳар бири кичик функцияларга табақалаштирилган. Антропологик функцияга маданий-тарбиявий; маданий-тарихий; коммуникацион; гуманистик кичик функциялар киради. Ижтимоий функцияга – ролли; ахборотли; конструктив-қимматликка эга; бошқарув; интеграцион-таҳлил этувчи гуруҳлар киради.

Ижтимоий ривожланишнинг индустриал босқичидан кейинги даврда урбанистик

цивилизацияни ривожлантиришни XX аср ўрталаридан бошлаб шаҳар аҳолисининг тез кўпайиши; жаҳон иқтисодиёти марказлари шаҳарларининг сонини кўпайиши; мегаполислар сонининг ўсиши каби ижобий хусусиятлари билан бир қаторда, “мегаполис-шаҳар сунъий йўлдошлар” тизимида зиддиятларнинг кучайиб бориши; йирик шаҳарларда оммавий ахборот воситалар туфайли жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш; миллий ва жаҳон тизимида баъзи шаҳарларнинг илгариги саноат ишлаб чиқариш марказлари ролини пасайтириш; қишлоқ аҳолиси улушининг шаҳардагига нисбатан сезиларли даражада камайиши каби салбий оқибатлари мавжуд.

Бадий, утопик, футурологик доирада фактларни, ижтимоий ривожланиш тенденцияларини, эмпирик умумлашмаларини таҳлил қилиш; назарий ҳолатлар илмий адабиётлар доирасида бўлажак шаҳарнинг ижтимоий ташкилотининг нисбатан эҳтимолли шакллари аниқлаш имконини беради. Булар: “шаҳар-чумоли уяси”, турли ижтимоий қатламларнинг вакиллари ўта ихчам жойлаштирилган шаҳар аҳолиси типи; “шаҳар-қалъа”, у ерда бир ҳудудда расмий аҳоли ўзини бошқа одамлардан ажратишга интилади; “алғов-далғов шаҳри”, шаҳарликларнинг бирга яшашининг асосий шакли қуролли можаро; “шаҳар-шарпа”, инфраструктураси сақланиб қолган шаҳар аҳолиси, бироқ яшовчилар томонидан тарк этилган; “шаҳар-магазин”, сайёҳлар томонидан “маданий истеъмолга” қаратилган йирик супермаркетлар атрофида йиғилган шаҳар шакллари бўлиши мумкин.

Келажакда идеал шаҳар кўрсаткичлари сифатида шинам ва қулай яшаш уй-жой устунлиги; ташқи хавф-хатарлардан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш; яшаш учун қулай бўлган экологик вазият; қарор қабул қилиш жараёнида бошқарув органлари кўпчилик ва озчилик аҳоли ўрнини ҳисобга ва эътиборга олади; қулай хаётни таъминловчи инфраструктура объектларининг етарлича мавжудлиги; транспорт тизимида аҳоли автомобиллари сонини ўсиши тенг

ривожланмоқда; аҳолининг фаровон турмушини ташкил этиш учун унинг хусусиятларини дифференциациялаштиришни ҳисобга олишни мезонлар сифатида қабул қилиш мумкин. Ўзбекистонда уларни татбиқ этишда амалий ишлар режаси ишлаб чиқилган. 2030 йилда Ўзбекистон Глобал инновация индекси рейтингига кучли 50 та мамлакат қаторидан жой олишни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси кўра мамлакатда “Ақлли шаҳар” концепциясини жорий қилиш режалаштирилмоқда. Концепцияни жорий қилишдан асосий мақсад, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳудудларда замонавий саноат зоналари ва инфраструктураларни яратиш ҳисобланади. Концепция доирасида ақлли транспорт, электрон милиция, хавфсизлик тизими, электрон таълим, электрон соғлиқни сақлаш, ақлли энергетика ва сув таъминоти каби йўналишлар инновацион тизимда фаолият юритиши режалаштирилган.

Шундай қилиб, урбанизацияни таҳлил қилишда, турли ёндашувларнинг муҳим илмий аҳамиятини тан олиб шуни таъкидлаш лозим: олимлар томонидан илгари сурилган хулосалар ва қоидалар жаҳон ҳамжамияти ва Ўзбекистон даражасида ушбу феноменни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли ўрганиш, умумлаштириш, ижтимоий-фалсафий англаш тузатишларни талаб қилади [27,181].

4. Хулосалар: Урбанизация жараёнларини таҳлил қилишда, турли ёндашувларнинг муҳим илмий аҳамиятини тан олиб шуни таъкидлаш лозим: олимлар томонидан илгари сурилган хулосалар ва қоидалар жаҳон ҳамжамияти ва Ўзбекистон даражасида ушбу феноменни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли ўрганиш, умумлаштириш, ижтимоий-фалсафий англашни талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Урбанизация в Центральной Азии: вызовы, проблемы и перспективы. Аналитический доклад 2013 года. Ташкент, 2013. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана / О. Ата-Мирзаев, В. Гентшке, Р. Муртазаева, А. Салиев; М-во высш. и сред. спец. образования Респ. Узбекистан. Нац. ун-т Узбекистана им. Мирзо Улугбека. – Т. : Университет, 2002.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сон Фармони.
3. Irving Kristol. Urban civilization and its discontents. «Commentary». - N.Y., 1970. - July.
4. Зоны и этапы урбанизации (теоретические аспекты проблемы) // Город и процессы урбанизации в Средней Азии: Тезисы докладов региональной конференции. Наманган-Ташкент, 1989.

ТАРИХ

5. Город в контексте глобальных процессов. Под ред. Абылгазиева И.И., Ильина И.В., Служи Н.А.–М.: Изд-во Московского университета, 2011.
6. Панченко Д.В. «Платон и Атлантида», Ленинград: Наука. Ленинградское отделение, 1990.
7. Поляков, Е.Н. Философская концепция «идеального» города-государства в трудах Платона / Е.Н. Поляков, Ю.Е. Крюкова // Вестник Томского государственного архитектурно-строительного университета. - 2015. - № 3.
8. الشيخ والفيلسوف قراءة في المدينة الفاضلة بين الحكيم الترمذي والفارابي Les maîtres soufis et leurs disciples des IIIe-Ve siècles de l'hégire (IXe-XIe) Damas-Beyrouth, 2013.
9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993.
10. Бациева С.М. Бедуины и горожане в Мукаддима Ибн Халдуна Очерки истории арабской культуры (V–XV вв.). -М. Наука, 1982.
11. Утопия и утопическое мышление: Антология зарубежной литературы / Сост. В.А. Чаликова. М., 1991.
12. Энгельс Ф., Положение рабочего класса в Англии, Маркс К. и Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 2; Маркс К. и Энгельс Ф., Немецкая идеология, ўша жойда, т. 3; Маркс К., Экономические рукописи 1857–1859 годов, ўша жойда, т. 46, ч. 1–2.
13. Демиденко Э.С., Межевич М.Н. Социальное развитие и город. Л.: Лениздат, 1979; Хорев Б.С. Проблемы городов. М.: Прогресс, 1975; Хорев Б.С. Территориальная организация общества. М.: Мысль, 1981; Корель Л.В. Перемещение населения между городом и селом в условиях урбанизации. Новосибирск: Наука, 1982; Дмитриев А.В., Межевич М.Н. СССР-США: социальное развитие в городах (Опыт сравнительного анализа). – Д.: Наука, 1981.
14. Урбанизация, научно-техническая революция и рабочий класс. М., 1972; Урбанизация мира. – М., 1974; Проблемы урбанизации и расселения. – М., 1976; Крупнейшие города - их настоящее и будущее. – М., 1979; Урбанизация и демографические процессы. – М., 1982.
15. Кузиев А. А. Урбанизация и процесс преодоления религии: на материалах Узбекистана: диссертация ... кандидата философских наук: 09.00.06. – Т., 1979.
16. Вебер М. Город // Вебер М. Избранное. Образ общества. – М.: Юрист, 1994.
17. Социология. Ўқув қўлланма. Т. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. "ЎАЖБНТ" маркази, 2002.
18. City invincible: A Symposium on urbanisation and cultural development in the Ancient Near East. Chicago, 1960.
19. Mumford L. The city in history. N.Y.: Harvest Book Harcourt Inc., 1989; Mumford L. The culture of the cities. Westport, Connecticut: Greenwood Press Reprint, 1981.
20. The Study of Urbanization. N.Y., 1965; Patterns of Urbanization. Vol. 1-2. Dolhain (Belgium), 1977; Europe 2000. P. Hall, L.: Duckworth, 1977; World Urbanization, 1950-1970. Vol 1. - Basic Data for Cities, Countries and Population. Berkeley, University of California; Rural-Urban Migration Research in the US, Washington D.C., 1975.
21. Солиев А.С. Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 1978.; Развитие урбанизации в Средней Азии // М.: Изд-во МГУ, Центр народонаселения, 1981; Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии. – Т.: Фан, 1991.; Жаҳон урбанизацияси ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 26-жилд. – Т., 2005.
22. Ата-Мирзаев, Озод Баба-Мирзаевич. Геодемографическое исследование городского расселения и управление урбанизацией на национально-территориальном уровне (на примере Республики Узбекистан): автореферат дис. доктора географических наук: 11.00.02. - Санкт-Петербург, 1992. - 36 с.; Региональное прогнозирование расселения и управление процессом урбанизации.– Т., Фан, 1979.
23. Бестужев-Лада И.В. Альтернативная цивилизация. – М.: ВЛАДОС, 1998.
24. Власов С.А. Нарушение принципа целостности в различных типах поселения // Целостность в мире философии и социально-гуманитарного знания. Сборник статей и тезисов докладов I Всероссийской конференции с международным участием. Липецк: Изд-во ЛГТУ, 2011.
25. Быкова Е. А. Влияние урбанизации на фауну и экологию млекопитающих Узбекистана (на примере г. Ташкента): диссертация ... кандидата Биологических наук: 03.02.08 / ФГБОУ ВО Государственный аграрный университет Северного Зауралья, 2017.- 245 с. Розимова Ё. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида 1991–2007 йй.). Тарих фан. номзоди ... дисс. – Тошкент, 2010. – 160б. Сидикова М. Ҳ. Самарқандда замонавий шаҳар маданиятининг ривожланиш хусусиятлари (1991-2017 йй.) 07.00.01. - Ўзбекистон тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019.
26. Алимов Н. Коммунизм ва нацизм бирлашган нуқта. Камбоджани қонга ботирган диктатор Пол Потнинг кулаши <https://daryo.uz/k/2020/01/11/kommunizm-va-natsizm-birlashgan-nuqta-kambodjani-qonga-botirgan-diktator-pot/>.
27. Мирзиёева С.Ш. Методологические основы стратегирования социально-экономического развития Узбекистана = The methodological foundation for strategizing the socioeconomic development of Uzbekistan / С. Ш. Мирзиёева. – Т.; Москва: СЗИУ РАНХиГС, 2020.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).